

Шоир, драматург, жамоатчи Хабиб Саъдулла 1942 йилда Наманган шахрида тугилган. Аввал алока техникуми билим юртида ўқиб, Тошкентдаги экскаватор заводида электро пайвандловчи бўлиб ишлаган. Собик совет Армияси сафларидан кайтгач, «Муштум» ойномасида хизмат килади. Сўнгра «Ленин учкуни» рўзномасида адабий ходим, «Наманган хакикати» вилоят рўзномасида мухаррир ўринбосари бўлган. 1973 йилдан 1990 йилгача Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмасининг Наманган вилояти бўйича масъул котиби вазифасида ишлаган. Хозирги кунда у Наманган вилояти Маданият бошкармасининг бошлигидир.

У 1971 йилда Тошкент Давлат дорилфунунининг журналистика бўлимини сиртдан тугатади. Унинг биринчи шеърлари 50-йилларнинг охирида Наманган вилоят газеталарида кўринади. 1969 йилга келиб унинг биринчи шеърий тўплами «Денгиздан шабада» номи билан нашр этилади. Шундан сўнг унинг «Бахор билан сухбат» (1975), «Мулоқот», «Яна остонангдан» каби бир катор шеърий туркумлари пайдо бўлади. Сўнгра унинг Улуг Ватан уруши фожеаларини ифодаловчи уч достони — «Онажоним», «Мен тугилган йил», «Тирик қурбонлар» яратилади. Шунингдек, шоирнинг «Усмон атлас» деган достони ҳам нашр бўлади. Шоирнинг мазкур тўплamlари, шеърий гулдасталари, достонлари ва газалларида жонажон она юртини, меҳрибон, меҳнаткаш ва саховатли хадкини улуглайди. Чин мухаббат, мухаббатга вафо, садокат туйгулари баралла янграйди.

У шоир, газалнавис ва кўшикчигина эмас, драматург сифатида ҳам маълум. Хабиб Саъдулла яратган «Юсуф ва Зулайхо» драмаси кўп йиллардан буён Андижон драма театри сахнасидан тушмай келади. Унда муаллиф Юсуф ва Зулайхолар мухаббати орқали ёшларни чинакам инсоний севгига, садокат ва меҳрга чорлайди. Унинг нияти шеър ёзиш,

Бир шеър ёзмокчиман, биттагина шеър,
Ўша шеърни истаб келдим дунёга, — деб орзу килади шоир. Биз ҳам ўша, шоир истаган шеърнинг яратилишига тилакдошмиз.

Унга 1992 йилда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими фахрий унвони берилган.